ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 12 » апрель 2019 y. № 299 Toshkent sh.

**"2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури"ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

"2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури"ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

"2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури" мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

"2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури" мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш стратегиясини 2019-2030 йиллар даврида амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режаси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар режаси деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

офатлар хавфини камайтириш ҳамда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ва методик базани такомиллаштириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун илғор технологиялар ва муҳандислик-техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва уларни прогнозлаштириш тизимларини яратиш ва ривожлантириш;

бошқарув, алоқа ва хабар бериш тизимларини ташкил этиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминловчи тизимни яратиш ва ривожлантириш;

аҳолини ва раҳбарлар таркибига кирадиган мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

3. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ушбу қарор билан тасдиқланган Стратегия ва Ҳаракатлар режаси сўзсиз ва зарур тарзда амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



4. Ушбу қарор билан тасдиқланган Стратегия ва Ҳаракатлар режаси амалга оширилишига масъул ижро этувчи орган этиб Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги белгилансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири вазифасини бажарувчи Т.А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 12 ” апрел даги 299- сон қарорига
1-илова

**“2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури” мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш стратегияси**

## 1-боб. Умумий қоидалар.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг иқлим ва геологик-географик хусусиятлари, шунингдек, иктисодиёт тармокларининг инфратузилмаси кўп турдаги фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини тақозо этади.

2. Ўзбекистон Республикасида қуйидаги техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфи мавжуд:

бино ва иншоотларнинг кўп қисми етарли сейсмик чидамли эмаслиги;

айрим аҳоли пунктларининг қатор хўжаликлари геологик ва гидрометеорологик хавфли ҳудудларда жойлашганлиги;

ўта хавфли инфекциялар тарқалиши учун шароитлар мавжудлиги;

сув омборларининг катта қисми сейсмик хавфли ҳудудларда жойлашганлиги;

хавфли ишлаб чиқариш объектларининг кўп жойларда фаолият юритиши;

транспорт инфратузилмаси, энергетика ва коммунал тизимларнинг кенг тармоклилиги;

фавкулодда экологик вазият, шунингдек, экологик офат худудларининг мавжудлиги.

3. Илмий тадкиқотлар яқин ўн йилликда табиий ва техноген хусусиятли локал, маҳаллий, республика ва трансчегаравий фавқулодда вазиятлар юз бериши хавфи тенденцияси ошишини тасдиқламоқда.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни юзага келтирувчи омиллар иқлим ўзгариши натижасида вужудга келадиган экстремал ҳодисалар, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудларнинг экстремал шароитларда объектларнинг барқарор ишлашини таъминлаш имконияти билан белгиланади.

4. Фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфининг ва аҳоли заифлигининг ошишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

трансчегаравий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар хавфининг ортиб бориши;

экологик ифлосланиш кўламининг кенгайиши;

аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимига жалб қилиш даражасининг пастлиги;

фавкулодда вазиятларда аҳолига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказиш тизимининг суст ривожланганлиги;

саноат объектлари технологик ускуналаридан, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларидан узоқ вақт фойдаланилиши ва уларнинг эскириши;

миграция жараёнларининг кескин кучайиши ҳамда ўта хавфли ва карантин касалликлари тарқалишининг ошиши;

урбанизациянинг жадал ривожланиши, турар жой мажмуалари ва саноат объектларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилинмаслиги;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик;

транспорт тармоқлари ва логистиканинг етарли ривожланмаганлиги.

5. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг миллий тизими Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан мувофиқлаштириладиган Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (кейинги ўринларда ФВДТ деб аталади) фаолиятига асосланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари асосида мамлакатда Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда.

7. Мамлакатнинг мавжуд ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида фавқулодда вазиятлар хавфи, кўлами ва оқибатларини камайтирадиган чора-тадбирларнинг даражасини ва аниқ мақсадларга йўналтирилганлигини ошириш зарур.

Шу муносабат билан "2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури" мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш стратегиясини (кейинги ўринларда Стратегия деб аталади) амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

## 2-боб. Стратегиянинг мақсади ва асосий вазифалари

8. 2030 йилгача офатлар натижасида ҳалок бўлганлар ва жабрланганлар сонини, шунингдек, тўғридан-тўғри иқтисодий зарарни кескин камайтириш учун аҳоли ва ҳудудларни офатлардан комплекс ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга эришиш Стратегиянинг бош мақсадидир.

9. Бош мақсадга эришиш учун қуйидагилар Стратегиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

миллий манфаатлар ва офатлар хавфини камайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ва методик базани такомиллаштириш;

фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва прогнозлаштириш, хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказиш тизимларини модернизация қилиш;

офатлар хавфини камайтириш, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига, ҳаёт фаолиятини таъминловчи объектлар ва тизимларнинг

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



барқарор ишлашига таҳдид қилувчи хавфларнинг барвақт олдини олиш ва огоҳлантиришнинг самарали ва таъсирчан механизмларини яратиш;

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш салоҳиятини ошириш, давлат органлари, фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг ушбу соҳада бошқариш ва ҳамкорлик қилишининг замонавий усуллари ҳамда воситаларини жорий этиш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими фаолиятига татбиқ этиш;

фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини реабилитация қилиш, шунингдек, офат юзага келган ҳудудда ҳаёт фаолияти шароитларини тиклаш тизимларини ривожлантириш;

аҳолининг турли тоифаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

## 3-боб. Стратегиянинг устувор йўналишдари ва уларни амалга ошириш механизмлари

10. Қуйидагилар офатлар хавфини камайтиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

офатлар хавфи тўғрисидаги билимларни ошириш;

офатлар хавфини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

офатлар хавфини камайтириш тадбирларига инвестициялар киритиш;

офатлар юз берганда ҳаракат қилишга тайёргарликни ошириш.

11. Офатлар хавфи тўғрисидаги билимларни ошириш қуйидагиларни назарда тутади:

юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг ташқи (трансчегаравий) ва ички манбаларини аниқлаш ва баҳолаш, прогноз материалларини тайёрлаш, замонавий геоахборот технологиялари асосида маълумотлар базасини юритиш;

юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфи ва улар етказиши мумкин бўлган зарарни баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви органлари мансабдор шахслари ва аҳолининг офатлар хавфини камайтириш масалалари бўйича маълумотга эгалиги ва хабардорлик даражасини ошириш, шунингдек, уларга билим бериш ва уларни ўқитиш;

юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олиш, уларнинг оғир оқибатларини камайтириш ва реабилитация қилиш масалалари бўйича аҳолини ўқитиш, кадрларни профессионал тайёрлаш дастурларини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш;

юз бериши мумкин бўлган офатларнинг оғир оқибатларини камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун юз бериши мумкин бўлган хавфлар, аҳолининг ва ҳудудларнинг заифлиги тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш;

жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар орқали фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш мақсадида фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилаш.

12. Офатлар хавфини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш қуйидагиларни назарда тутади:

янги қонун ҳужжатлари нормаларини ишлаб чиқиш ва мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш;

фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфини камайтириш юзасидан режалар, республика ва маҳаллий стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

офатлар хавфини камайтириш борасидаги профилактик тадбирларни янги қонунчилик нормалари ва ушбу соҳада ҳаракат қилиш салоҳиятини мустаҳкамлашнинг тегишли стратегиялари доирасида самарали ташкил этиш;

техника хавфсизлиги бўйича амалдаги регламент ва қоидаларга, шу жумладан, ердан фойдаланиш ва шаҳарсозликни режалаштиришда юқори даражада риоя этилишини таъминлаш бўйича механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни такомиллаштириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасидаги миллий ва маҳаллий режаларни амалга оширишнинг бориши ва натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш амалиётини жорий этиш;

маҳаллий даражада офатлар хавфига барҳам бериш масалаларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иштирокини кенгайтириш ва жавобгарлигини кучайтириш;

офатлар юзага келиши хавфи таъсирига учраган зоналарда қурилиш ишлари олиб борилишини назорат қилишга қаратилган давлат стратегиясини такомиллаштириш, амалдаги норма ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда бундай зоналардан аҳолини кўчириш.

13. Офатлар хавфини камайтириш тадбирларига инвестициялар киритиш қуйидагиларни назарда тутади:

таркибий, нотаркибий ва функционал чоралар кўриш орқали офатларга қаршилик қилиш салоҳиятини мустаҳкамлашга оид тадбирларга давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялар киритилишини кенгайириш;

авария-қутқарув ва бошқа махсус мол-мулкни маҳаллийлаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш;

офатлар хавфини суғурта қилишга оид тадбирларни ташкил этиш;

таркибий ва бошқа чора-тадбирлар кўриш орқали иш жойларида фавқулодда вазиятларга қарши курашиш салоҳиятини ошириш;

тарихий, маданий ва диний аҳамиятга молик объектларни офатлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ташкил этиш ва қабул қилиш;

ердан фойдаланиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда офатлар хавфини баҳолаш ҳисобга олинишини ташкил этиш;

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



сел, тошқинлар, кўчкилар ва бошқа хавфли табиий офатлар, шунингдек, қурғоқчилик билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш;

маҳаллий шароитларда офатлар хавфини камайтиришга доир чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган шаҳарсозлик нормалари, қоидаларини, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришга оид стандартларни такомиллаштириш;

офатлар юз берганда шошилинч, малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг салоҳиятини ошириш;

ҳалокатлар тиббиёти соҳасида ўқитиш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

табиий офатлардан жабрланганларни ижтимоий муҳофаза қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, механизмларини такомиллаштириш;

корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш;

туризм объектларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш.

14. Офатлар юз берганда ҳаракат қилишга тайёргарликни ошириш қуйидагиларни назарда тутади:

фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш, прогнозлаштириш, уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида алоқа, фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимларини модернизация қилиш ва доимий шай ҳолатда сақлаш;

ФВДТ куч ва воситаларининг, унинг ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг шайлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ФВДТ кучлари ва аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга шайлигини, раҳбарлари таркибининг кўникмаларини ошириш соҳасида ФВДТ ҳудудий қуйи тизими раҳбарлар таркибининг вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш;

фавқулодда вазиятлардан кейинги тиклаш ва реабилитация қилиш тадбирларига офатлар хавфини бошқариш принципларини жорий этиш;

офатлар таъсирига учраган ҳудудлардан аҳолининг кўчирилишини ташкил этиш ва амалга ошириш борасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш;

фавқулодда вазиятларда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш;

офатлар хавфини камайтириш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



## 4-боб. Стратегияни амалга ошириш механизмлари ва босқичлари

15. Стратегиянинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари давлат стратегиялари, ривожлантириш дастурлари, уларни амалга ошириш режаларига, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини ҳамда бошқа соҳаларни такомиллаштиришга доир дастурий ҳужжатларга интеграциялаштирилади.

16. Стратегияни амалга ошириш учун барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, халқаро ташкилотлар, хусусий сектор, шунингдек, аҳоли жалб қилинади.

17. Стратегия Миллий ҳаракатлар режасига мувофиқ 2019-2030 йиллар даврида амалга оширилади.

18. Барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларга мослашишни ҳисобга олган ҳолда юксак самарадорликка эришиш мақсадида Стратегияни амалга ошириш даври қуйидаги уч босқичга бўлинади:

**1-босқич**: 2019-2022 йиллар;

**2-босқич:** 2023-2026 йиллар;

**3-босқич:** 2027-2030 йиллар.

19. Ҳар бир босқич бўйича Стратегиянинг вазифалари ва устувор йўналишларини ҳал қилишга қаратилган аниқ тадбирларни таърифловчи тегишли режалар ишлаб чиқилади.

Тегишли босқичларга мўлжалланган тадбирлар режалари бошқа стратегик ва дастурий ҳужжатларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасининг турли йўналишлари ва офатлар хавфини камайтириш хусусиятларига оид вазифалар ва тадбирларини бирлаштиради ва инобатга олади.

20. Кейинги босқичга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқишда аввалгиларини амалга оширишда эришилган ютуқлар ва муаммолар инобатга олиниши керак.

21. Миллий ҳаракатлар режасини амалга оширишга доир тадбирлар тегишли вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тадбирлар ижроси учун масъул бўлган бошқа ташкилотлар маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ва кредитлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

## 5-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

22. Ушбу Стратегияни амалга ошириш натижасида 2030 йилга келиб:

янги табиий офат хавфлари пайдо бўлишининг олди олиниши ва маълум хавфларнинг таҳдиди камайиши;

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



фавқулодда вазиятлардан жабрланганлар сони, шунингдек, улардан ўлим даражаси имкон қадар камайиши;

фавқулодда вазиятлардан кўрилган ижтимоий, иқтисодий ва экологик зарарлар миқдорлари камайиши;

ФВДТ фаолияти самарадорлигининг ошиши, жалб қилинувчи ихтисослаштирилган хизматлар томонидан ҳудудлар тўлиқ қамраб олиниши таъминланиши;

фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш, прогнозлаштириш, ахборот алмашиш, аҳолига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг миллий тизимлари такомиллаштирилиши;

аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш тизими билан максимал қамраб олиш таъминланиши;

фавқулодда вазиятлардан жабрланган аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминлаш тизимлари яратилиши ва ривожлантирилиши;

раҳбарлар таркибига кирадиган мутахассислар ва аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими такомиллаштирилиши кутилмоқда.

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "12" апрел даги 299 - сон қарорига
2-илова

**"2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури" мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш стратегиясини 2019-2030 йиллар даврида амалга ошириш бўйича**
**МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **Офатлар хавфи тўғрисидаги билимларни ошириш** | | | | |
| 1 | Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг ташқи (трансчегаравий) ва ички манбаларини аниқлаш ва баҳолаш, прогноз материалларини тайёрлаш, замонавий геоахборот технологиялари асосида маълумотлар базасини юритиш. | 1. Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар мониторинги, прогнози ва таҳлилини ташкил этиш.<br>2. Зарур қарорлар қабул қилиш учун юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги прогноз материалларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (кейинги ўринларда ФВДТ деб аталади) тегишли раҳбар органларига тақдим этиш.<br>3. Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш, коинотдан ва жойнинг ўзида олинган маълумотлардан, шу жумладан, геоахборот тизимлари маълумотларидан фойдаланиш ҳамда энг янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.<br>4. Қуйидаги тоифалар бўйича очиқ ахборотдан фойдаланишни таъминлаш: хавф-хатарнинг ҳақиқийлиги, заифлик, хатар, офатлар хусусияти ва юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар. | режа-жадвалга мувофиқ<br><br>2019-2030 йиллар мобайнида ҳар чоракда<br><br>режа-жадвалга мувофиқ<br><br>доимо | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги,<br>Давлат геология қўмитаси,<br>Сув хўжалиги вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>Давлат экология қўмитаси,<br>Ўзбекистон МТРК,<br>Ички ишлар вазирлиги |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 2 | Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфи ва улар етказиши мумкин бўлган зарарни баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш. | 1. Сўнгги 3-5 йилда содир бўлган фавқулодда вазиятларни таҳлил қилиш, кўрилган зарарни баҳолаш, улар юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий, ижтимоий, тиббий-санитария, таълим, экологик ва маданий оқибатларини, шунингдек, улар юзага келиши эҳтимолини (хавфини) таҳлил қилиш.<br>2. Фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфини ва улардан кўриладиган зарарни баҳолаш методикаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2019 йил май<br><br>2020 йил январь | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги,<br>Ички ишлар вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Сув хўжалиги вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>Давлат геология қўмитаси,<br>Давлат экология қўмитаси |
| 3 | Давлат бошқаруви органлари мансабдор шахслари ва аҳолининг офатлар хавфини камайтириш масалалари бўйича маълумотга эгалиги ва хабардорлик даражасини ошириш, шунингдек, уларга билим бериш ва уларни ўқитиш. | 1. Давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига тегишли қарорлар қабул қилиш учун юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисида таҳлилий маълумот тақдим этиш.<br>2. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (кейинги ўринларда ФВВ деб аталади) Фуқаро муҳофазаси институтида, ФВДТ ҳудудий қуйи тизими раҳбар органлари – ҳудудий фавқуллодда вазиятлар бошқармаларининг аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида ўқитилишини ташкил этиш.<br>3. Ўтказиладиган қўмондонлик-штаб ва тактик-махсус машғулотларга маҳаллий аҳолининг кенг жалб қилиниши ва иштирокини таъминлаш.<br>4. Табиий офатларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимига инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш. | 2020-2030 йиллар январь<br><br>йиллик режаларга мувофиқ<br><br>йиллик режаларга мувофиқ<br><br>2019 йил сентябрь | ФВВ,<br>Ички ишлар вазирлиги,<br>Ўзбекистон МТРК,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари,<br>Давлат геология қўмитаси,<br>Сув хўжалиги вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Давлат экология қўмитаси,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Халқ таълими вазирлиги,<br>Фанлар академияси |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 4 | Юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олиш, уларнинг оғир оқибатларини камайтириш ва реабилитация қилиш масалалари бўйича аҳолини ўқитиш, кадрларни профессионал тайёрлаш дастурларини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш. | 1. Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўқитишнинг замонавий дастурлари ва методикаларини ишлаб чиқиш.<br>2. Олий, ўрта махсус ва ўрта таълим муассасаларида тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнига “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари” фанини, ўқитишнинг янги усулларини жорий этиш. | режа-жадвалга мувофиқ | ФВВ, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 5 | Юз бериши мумкин бўлган офатларнинг оғир оқибатларини камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун юз бериши мумкин бўлган хавфлар, аҳолининг ва ҳудудларнинг заифлиги тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш. | 1. Тегишли вазирликлар ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар таркибида хавфли табиий ҳодисалар ва техноген авариялар хавфи юқори бўлган ҳудудлар ва объектларни ўрганиш.<br>2. Мамлакат Ҳукуматига, объектлар ва ҳудудлар раҳбарларига юз бериши мумкин бўлган хавфли табиий ҳодисалар ва техноген авариялар тўғрисида ахборот тақдим этиш. | 2020-2030 йиллар январь-ноябрь<br><br>2020-2030 йиллар февраль | ФВВ, Давлат геология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат экология қўмитаси |
| 6 | Жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар орқали фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш мақсадида фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилаш. | 1. Автоматлаштирилган хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказиш тизимини модернизация қилиш, фавқулодда вазиятлардан хабардор қилишнинг локал тизимларини ўрнатиш.<br>2. Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш ишларини бажариш учун нодавлат ташкилотларни жалб қилиш. | 2019-2022 йиллар<br><br>режа-жадвалга мувофиқ | ФВВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Маҳалла” фонди, вазирликлар ва идоралар |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **Офатлар хавфини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш** | | | | |
| 7 | Янги қонун ҳужжатлари нормаларини ишлаб чиқиш ва мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш. | 1. Офатлар хавфини бошқариш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасидаги тадбирларнинг масъул органлар томонидан самарали амалга оширилиши учун норматив-ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асосларнинг долзарблиги ҳамда етарлилигининг доимий мониторингини олиб бориш.<br>2. Молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, янги қонунлар, нормаларни ишлаб чиқиш орқали офатлар хавфини камайтиришга доир чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ФВДТ раҳбар органларига тавсиялар бериш.<br>3. Янги таҳдидлар юзага келиши эҳтимоли ва офатлар хавфини камайтириш соҳасидаги халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда фавқулодда вазиятларининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва методик базани такомиллаштириш. | 2019-2030 йиллар октябрь-ноябрь<br>тавсиялар тайёрланишига қараб<br>тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида | ФВВ, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат геология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат экология қўмитаси |
| 8 | Фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфини камайтириш юзасидан режалар, республика ва маҳаллий стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш. | 1. Табиий офатлар хавфини камайтириш соҳасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш, аниқланган хатарларни енгиб ўтишнинг техник, молиявий ва маъмурий хусусиятларини баҳолаш, стратегиялар ва режаларни ишлаб чиқиш учун дастлабки ва бошқа маълумотларни тўплаш.<br>2. Вазифалар, кўрсаткичлар ва муддатларни кўрсатган ҳолда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, мавжуд хавфларни камайтириш ҳамда иқтисодий, ижтимоий, санитария-гигиена ва экологик жиҳатдан офатларга қарши курашиш салоҳиятини | 2019 йил декабрь<br>2020-2030 йиллар январь-февраль | ФВВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | мустаҳкамлаш юзасидан турли муддатларга мўлжалланган республика стратегиялари ва маҳаллий стратегияларни ва режаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. | | |
| 9 | Офатлар хавфини камайтириш борасидаги профилактик тадбирларни янги қонунчилик нормалари ва ушбу соҳада ҳаракат қилиш салоҳиятини мустаҳкамлашнинг тегишли стратегиялари доирасида самарали ташкил этиш. | 1. Давлат секторлари ва хусусий секторлар саъй-ҳаракатларини давлат мулки бўлган ҳамда давлат томонидан бошқариладиган ёки тартибга солинадиган хизматлар ва инфратузилма объектларига дахл қилувчи офатлар хавфларини бартараф этишга қаратиш.<br>2. Офатлар хавфидан хабардорликни ошириш мақсадида молиявий ёрдам, аҳоли хабардорлигини ва тайёргарлигини ошириш соҳасидаги ташаббусларни ўз ичига олиши мумкин бўлган механизмлар ва ташаббусларни такомиллаштириш. | тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида<br><br>тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ,<br>Давлат геология қўмитаси,<br>Қурилиш вазирлиги,<br>Сув хўжалиги вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Ўзбекистон МТРК,<br>Давлат экология қўмитаси,<br>Фанлар академияси |
| 10 | Техника хавфсизлиги бўйича амалдаги регламент ва қоидаларга, шу жумладан, ердан фойдаланиш ва шаҳарсозликни режалаштиришда юқори даражада риоя этилишини таъминлаш бўйича механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни такомиллаштириш. | 1. Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда хавфсизлик техникасига ўқитиш ва улар бўйича ишларни ташкил этишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш.<br>2. Техника хавфсизлиги бўйича амалдаги регламент ва қоидаларга, шу жумладан, ердан фойдаланиш ва шаҳарсозликни режалаштиришга доир амалдаги қоидалар ва регламентларга, қурилиш нормаларига, атроф муҳит ва ресурслардан фойдаланиш, шунингдек, санитария-гигиена нормалари ва хавфсизлик стандартларига юқори даражада риоя этилишини таъминлаш учун зарур механизмлар ва рағбатлантирувчи омиллар яратилишини рағбатлантириш. | 2020 йил февраль<br><br>тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида | ФВВ,<br>Ички ишлар вазирлиги,<br>Меҳнат вазирлиги,<br>Қурилиш вазирлиги,<br>Сув хўжалиги вазирлиги,<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Давергеодезкадастр,<br>Давлат геология қўмитаси,<br>Давлат экология қўмитаси,<br>Фанлар академияси |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 11 | Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасидаги тармоқ ва маҳаллий режаларни амалга оширишнинг бориши ва натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш амалиётини жорий этиш. | 1. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида қабул қилинган тармоқ ва маҳаллий режаларни амалга ошириш жараёнини тизимли ўрганиш, уларнинг натижадорлигини баҳолаш.<br>2. Жамоатчилик назоратини рағбатлантириш, офатлар хавфини камайтиришга доир ҳаракатлар режаларининг ижроси тўғрисидаги маърузаларни расмий муҳокама қилиш, шу жумладан, парламент аъзолари ва бошқа тегишли мансабдор шахслар билан муҳокама қилиш. | йиллик режаларга мувофиқ<br>тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида, режа-жадвалга мувофиқ | ФВВ, вазирликлар ва идоралар,<br>ФВВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Маҳалла” фонди |
| 12 | Маҳаллий даражада офатлар хавфига барҳам бериш масалаларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иштирокини кенгайтириш ва жавобгарлигини кучайтириш. | 1. Офатлар хавфини камайтириш соҳасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, ФВДТ ҳудудий қуйи тизими кучлари ва воситаларини жалб қилиб ва молиявий имкониятларни ҳисобга олиб маҳаллий даражада тегишли чораларни кўриш.<br>2. Маҳаллий даражадаги офатлар хавфини бартараф этиш масалаларида ФВДТ ҳудудий қуйи тизими раҳбар органлари жавобгарлигини ошириш. | тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида | ФВВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Давлат экология қўмитаси |
| 13 | Офатлар юзага келиши хавфи таъсирига учраган зоналарда қурилиш ишлари олиб борилишини назорат қилишга қаратилган давлат стратегиясини такомиллаштириш, амалдаги норма ва қоидаларни | 1. Офатлар хавф солаётган зоналарда турар жой бинолари ва иншоотлар қурилишини вақти-вақти билан ўрганиш, бунда тоғолди ва тоғли ҳудудларга, сел ва тошқин хавф солаётган зоналарга алоҳида эътибор қаратиш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, |

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ҳисобга олган ҳолда бундай зоналардан аҳолини кўчириш. | 2. Хавфли табиий ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган зоналардан аҳолини кўчириш ишларини ташкил этиш.<br>3. Хавфли зоналардан кўчирилаётган аҳолига амалдаги нормалар ва қоидаларни инобатга олган ҳолда ер участкалари ва уй-жойлар бериш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Ички ишлар вазирлиги,<br>Қурилиш вазирлиги,<br>Молия вазирлиги,<br>Давлат геология қўмитаси,<br>Сув хўжалиги вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>Давлат экология қўмитаси |
| **Офатлар хавфини камайтириш тадбирларига инвестициялар киритиш** | | | | |
| 14 | Таркибий, нотаркибий ва функционал чоралар кўриш орқали офатларга қаршилик қилиш салоҳиятини мустаҳкамлашга оид тадбирларга давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялар киритилишининг кенгайириш. | 1. Иқтисодиёт тармоқлари ва маъмурий ҳудудларни ривожлантиришга доир давлат стратегияларига, дастурий ҳужжатларга офатлар хавфига қарши курашишга доир чора-тадбирлар киритилишини ташкил этиш.<br>2. Офатлар хавфини камайтириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун зарур молиявий ресурсларни ҳисоблаш ва ажратилишини таъминлаш.<br>3. Офатларга қарши курашиш салоҳиятини оширишга доир тадбирларга хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ,<br>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,<br>Молия вазирлиги,<br>вазирликлар ва идоралар,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 15 | Авария-қутқарув ва бошқа махсус мол-мулкни маҳаллийлаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш. | 1. Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар йўналишлари ва рўйхатлари бўйича авария-қутқарув техникаси, махсус мол-мулк ва жиҳозларни маҳаллийлаштиришга доир таклифларни ўрганиш ва тайёрлаш.<br>2. Маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнига инвестицияларни кенг жалб қилиш учун давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,<br>Мудофаа саноати давлат қўмитаси,<br>ФВВ, алоқадор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 16 | Офатлар хавфини суғурта қилишга оид тадбирларни ташкил этиш. | 1. Суғурта компаниялари, ФВВ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа алоқадор ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар таркибида офатлар хавф солаётган хавфли участкаларни ўрганиш.<br>2. Хавфли участкаларда яшовчи аҳоли орасида табиий офатлар хавфидан суғурта қилиш тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини суғурта қилишни ташкил этиш.<br>3. Шаҳарлар ва қишлоқ туманларида офатларнинг давлат ҳамда жамият учун иқтисодий оқибатларини камайтириш мақсадида офатлар хавфини суғурта қилиш, хавфни тақсимлаш ва тўхтатиш, ҳам давлат инвестициялари, ҳам хусусий инвестициялар ҳисобига молиявий ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Суғурта компаниялари, ФВВ, Молия вазирлиги, “Маҳалла” фонди, вазирликлар ва идоралар |
| 17 | Таркибий ва бошқа чора-тадбирлар кўриш орқали иш жойларида фавқулодда вазиятларга қарши курашиш салоҳиятини ошириш. | 1. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалалари бўйича асосий тадбирлар режасини, шунингдек, объектлар барқарор ишлашини ошириш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>2. Ташкилотларда доимий штатлар асосида ёки штатдан ташқари асосда қутқарув тузилмалари тузилишини ташкил этиш.<br>3. Қутқарув тузилмаларини зарур қутқарув воситалари ва асбоб-ускунлари билан жиҳозлаш, хавфсизлик техникаси бўйича ҳар куни йўриқнома машғулотларини ўтказиш. | ҳар йили<br>2020 йил январь<br>тегишли жиҳозлаш режаларига мувофиқ | Вазирликлар ва идоралар |
| 18 | Тарихий, маданий ва диний аҳамиятга молик объектларни офатлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ташкил этиш | 1. Лойиҳа институтлари ва бошқа алоқадор ташкилотлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда тарихий, маданий ва диний аҳамиятга молик объектлар ҳолатини ўрганиш. | 2019-2020 йиллар | Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, ФВВ, Молия вазирлиги, |

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ва қабул қилиш. | 2. Масъул ташкилотлар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тарихий, маданий ва диний аҳамиятга молик объектларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни ушбу объектларда авариялар ва емирилишларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш учун тақдим этиш.<br>3. Тарихий, маданий ва диний аҳамиятга молик объектлар ҳолатининг мониторингини ташкил этиш, уларни доимий равишда жорий таъмирлаш ва сақлаб туриш бўйича бошқа тадбирларни доимий ўтказиш. | ахборот тайёр бўлишига қараб<br><br>ҳар йили режа-жадвалга мувофиқ | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 19 | Ердан фойдаланиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда офатлар хавфини баҳолаш ҳисобга олинишини ташкил этиш. | 1. Турар жой мавзелари, ижтимоий аҳамиятга молик объектлар ва саноат объектларининг бош режаларини ишлаб чиқишда, лойиҳалаштиришда ва қуришда офатлар хавфини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш.<br>2. Ердан фойдаланиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги сиёсатни амалга оширишда офатлар хавфини баҳолаш, ерларнинг таназзули даражасини баҳолаш ҳисобга олинишини, прогноз қилинадиган демографик ва экологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган келгуси фаолиятнинг амал қилувчи принциплари ва усулларидан фойдаланишни ташкил этиш. | тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида<br><br>тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Давергеодезкадастр, Қурилиш вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, ФВВ, Молия вазирлиги |
| 20 | Сел, тошқинлар, кўчкилар ва бошқа хавфли табиий офатлар, шунингдек, қурғоқчилик билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш. | 1. Хавфли гидрометеорологик ва геологик ҳодисалар фаоллашиши мумкин бўлган зоналарни ўрганиш, ушбу зоналарда жойлашган аҳоли пунктларини аниқлаш, вақтинча эвакуация қилиниши ёки хавфсиз жойларга доимий кўчирилиши лозим бўлган хўжаликлар, шунингдек, сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд бўлган участкалар рўйхатини тузиш. | ҳар йили январь-февраль | ФВВ, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, Давергеодезкадастр, Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, |

| **Т/р** | **Тадбирлар номи** | **Амалга ошириш механизми** | **Ижро муддатлари** | **Масъул ижрочилар** |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Ўрганиш якунлари бўйича офатлар хавфини камайтиришни таъминловчи ташкилий, муҳандислик-техник ва бошқа тадбирлар ўтказиш бўйича манзилли таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси мажлисида уларнинг кўриб чиқилишини ташкил этиш.<br>3. Тегишли манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, уларни Тошқинга қарши Ҳукумат комиссиясининг баённома қарори билан тасдиқлаш, тадбиркорлик субъектларини юз бериши мумкин бўлган табиий офатларнинг олдини олишга доир ишларга давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш. | ҳар йили март ойида<br><br>ҳар йили февраль-май, режа-жадвалга мувофиқ | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 21 | Маҳаллий шароитларда офатлар хавфини камайтиришга доир чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган шаҳарсозлик нормалари, қоидаларини, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришга оид стандартларни такомиллаштириш. | 1. Шаҳарсозлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани хатловдан ўтказиш.<br>2. Ҳудудларни режалаштириш ва комплекс қуриш бўйича мавжуд шаҳарсозлик нормалари, қоидалари, стандартларини қайта кўриб чиқиш ёки зарур ҳолларда янгиларини ишлаб чиқиш юзасидан, уларнинг маҳаллий шароитларда самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни тайёрлаш ва тақдим этиш. | 2019 йил декабрь | ФВВ, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат экология қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 22 | Офатлар юз берганда шошилинч, малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг салоҳиятини ошириш. | 1. Фавқулодда вазиятларда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими самарадорлигини таҳлил қилиш.<br>2. Жабрланганларга шошилинч, малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>3. Фавқулодда вазиятлар юз бериши хавфини бошқаришга доир чора-тадбирларни соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш. | 2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил декабрь<br><br>тегишли дастурий ҳужжатлар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ |

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 4. Фавқулодда вазиятлар юз бериши хавфини тушуниш, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятида фавқулодда вазиятлар юз бериши хавфини камайтиришга қаратилган ёндашувларни қўллаш ва амалга ошириш нуқтаи назаридан соғлиқни сақлаш тизими ходимлари салоҳиятини ошириш. | доирасида, режа-жадвалга мувофиқ | |
| 23 | Ҳалокатлар тиббиёти соҳасида ўқитиш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш. | 1. Ҳалокатлар тиббиёти бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва таълим муассасаларининг ўқитиш тизимига жорий этиш.<br>2. Шошилинч тиббий хизматлар ходимларининг жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни шифохонага ётқизишни ташкил этиш, қутқарув ишларини тиббий таъминлаш бўйича ўқитилишини ташкил этиш.<br>3. Қутқарув тузилмаларини ҳалокатлар тиббиёти соҳасида тайёрлаш методикасини такомиллаштириш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ |
| 24 | Табиий офатлардан жабрланганларни ижтимоий муҳофаза қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, механизмларини такомиллаштириш. | 1. Фавқулодда вазиятларда жабрланганларни, шу жумладан, маҳаллий аҳоли иштирокида ижтимоий муҳофаза қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, механизмларини такомиллаштириш.<br>2. Стратегиялар ва режаларни ишлаб чиқишда ҳаёт учун хавфли бўлган ва сурункали касалликларга чалинган, фавқулодда вазиятлар юз беришидан олдин, юз берган вақтда ва юз берганидан кейин бундай касалликларга дучор бўладиган шахсларнинг ўзига хос эҳтиёжларини эътиборга олиш, шу жумладан, яшаш учун муҳим хизматлардан фойдаланишни таъминлаш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги базавий хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш, шу жумладан, оналар, чақалоқлар ва болаларнинг соғлиғини, репородуктив саломатликни асраш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш, уй-жой билан таъминлаш, табиий офатлардан жиддий зарар кўрган одамларга ёрдам кўрсатиш бўйича узоқ муддатли қарорлар қабул қилиш соҳаларида кўмаклашиш. | | |
| 25 | Корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш. | 1. Фавқулодда вазиятлар шароитида объектлар иши барқарорлигини ошириш бўйича тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>2. Фавқулодда вазиятлар шароитида объектларнинг ўз маҳсулотини белгиланган нормалар ва ҳажмларда ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш тадбирларини ташкил этиш.<br>3. Ҳаётий муҳим инфратузилма объектларининг, шу жумладан, сув таъминоти, транспорт ва телекоммуникациялар инфратузилмасини, ижтимоий аҳамиятли муассасаларнинг фавқулодда вазиятлар оқибатларига бардошлигини ошириш.<br>4. Табиий офатлар хавфидан зарар кўрган аҳолига узлуксиз хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида корхоналарнинг қаршилик кўрсатиш салоҳиятини ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳимоя қилиниши даражасини ошириш.<br>5. Ҳаёт кечириш воситалари ва ишлаб чиқариш активларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, қорамол ва уруғликларнинг ҳимоя қилинишини мустаҳкамлаш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

ҚҲММБ: 09/19/299/2928-сон
12.04.2019 й.



| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 26 | Туризм объектларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш. | 1. Туризм объектларининг офатлар хавфи таъсирига тушганлигини ўрганиш, бунда гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган участкаларда жойлашган объектларга алоҳида эътибор қаратиш.<br>2.Туризм объектлари базасида объект (доимий штат асосида ёки штатсиз асосда) қутқарув тузилмаларини ташкил этиш.<br>3. Туризм индустриясига, дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш даражасига боғлиқликни инобатга олган ҳолда фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини бошқаришга қаратилган ёндашувларни жорий этиш. | 2019 йил июнь-декабрь<br>2020 йил январь<br>тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, ФВВ |
| **Офатлар юз берганда ҳаракат қилишга тайёргарликни ошириш** | | | | |
| 27 | Фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш, прогнозлаштириш, уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш. | 1. Юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг ташқи (трансчегаравий) ва ички манбаларини аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш, замонавий геоахборот технологиялари асосида маълумотлар базасини юритиш.<br>2. Табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашиш ва прогнозлаштиришнинг ягона тизими фаолияти самарадорлигини оширишга доир ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.<br>3. Табиий, экологик ҳодисаларни ва техноген жараёнларни прогнозлаштиришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш ҳамда фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва уларни прогнозлаштириш тизимига жорий этиш. | режа-жадвалга мувофиқ 2019-2020 йиллар<br>тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат экология қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, Молия вазирлиги |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 28 | Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида алоқа, фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимларини модернизация қилиш ва доимий шай ҳолатда сақлаш. | 1. Потенциал хавфли объектларда ва уларга туташ ҳудудларда локал хабар бериш тизимларини ташкил этиш.<br>2. Республика, маҳаллий, локал ва объект даражасидаги ҳабар бериш тизимларини, шунингдек, автоматлаштирилган ҳабар бериш ва маълумот (ахборот) етказиш тизимини модернизациялаш ва доим шай ҳолда сақлаш.<br>3. Ахборотни бошқариш ва узатиш учун давлат ва идора алоқа каналларини (уларнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда радио, телевидение) ва бошқа телекоммуникация тизимларидан марказлаштирилган тартибда фойдаланишни таъминлаш. | режа-жадвалга мувофиқ 2019-2022 йиллар | ФВВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МТРК, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 29 | ФВДТ куч ва воситаларининг, унинг ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг шайлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Профессионал қутқарув тузилмалари, объектларда штатсиз асосда ташкил этилган қутқарув тузилмалари ва ФВДТнинг бошқа кучларининг моддий-техник базасини замонавий қутқарув техникаси, асбоб-ускуналар, ҳимоя воситалари ва бошқа мол-мулк билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш.<br>2. Мутахассисларнинг қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга оширишга доир кўникмалари ва касбий маҳоратини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш.<br>3. Фавқулодда вазиятлар юз берганда зарур воситаларни шошилинч жалб қилиш мақсадида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун моддий-техник ва молия ресурслари захираларини олдиндан яратиш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Ўзбекистон Республикаси ФВДТ таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 30 | Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ФВДТ кучлари ва аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга шайлигини, раҳбарлар таркибининг кўникмаларини ошириш соҳасида ФВДТ ҳудудий қуйи тизими раҳбарлари таркибининг вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. | 1. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилишга доир тадбирларни офатларнинг маҳаллий хавфларини ҳисобга олган ҳолда режалаштиришни ташкил этиш.<br>2. Иқлим ўзгариши сценарийсини ва уларнинг фавқулодда вазиятлар юз бериши хавфи омилларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда офатлар хавфини камайтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қўмондонлик-штаб, тактик-махсус ва комплекс машғулотларни режалаштириш ва ўтказиш. | ҳар йили режа-жадвалга мувофиқ | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ФВВ, ФВДТ таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар |
| 31 | Фавқулодда вазиятлардан кейинги тиклаш ва реабилитация қилиш тадбирларига офатлар хавфини бошқариш принципларини жорий этиш. | 1. Фавқулодда вазиятлардан кейин тиклаш ва реабилитация қилиш жараёнларига офатлар хавфини бошқариш чора-тадбирларининг киритилишига кўмаклашиш.<br>2. Тиклаш босқичида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда, шу жумладан, ердан фойдаланишни режалаштириш, қурилиш нормаларини кучайтириш ва фавқулодда вазиятлардан кейин тажриба, билим алмашиш каби соҳаларда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали офатлар хавфини камайтириш имконини берадиган салоҳият яратиш учун имкониятдан фойдаланиш.<br>3. Офатлар юз берганидан кейинги даврда реконструкция қилиш тадбирларини зарар кўрган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожлантириш фаолиятига интеграциялаш.<br>4. Фавқулодда вазиятлар юз берганда реконструкция қилиш тадбирларига тайёргарликни таъминлаш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш, қурилиш нормаларини кучайтириш, шу жумладан, тиклаш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга ошириш тажрибаси асосида кучайтириш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат экология қўмитаси, Молия вазирлиги, ИИВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 32 | Офатлар таъсирига учраган ҳудудлардан аҳолининг кўчирилишини ташкил этиш ва амалга ошириш борасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш. | 1. "Ўзгидромет" ва Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматининг кўрсатмаларига мувофиқ аҳолини хавфли ҳудудлардан хавфсиз жойларга кўчиришга доир тегишли чоралар кўриш.<br>2. Зарар кўрган аҳолини кўчириш учун хавфсиз жойларни аниқлаш.<br>3. Доимий яшаш учун кўчиришда якка тартибдаги турар жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш ва пул компенсациялари тўлаш тартибини такомиллаштириш. | ҳар йили март-апрель<br>тегишли дастурий ҳужжатлар доирасида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ФВВ |
| 33 | Фавқулодда вазиятларда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш. | 1. Фавқулодда вазиятларда жабрланганларни саралаш ва рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш, офатлар натижасида ўлим ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш.<br>2. Фавқулодда вазиятларда жабрланганлар орасида касаллик ва ўлимнинг олдини олиш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш.<br>3. Тиклаш соҳасида режаларни амалга ошириш, уларда барча муҳтож шахсларга психологик ва ижтимоий ёрдам хизматлари кўрсатилишини назарда тутиш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ |
| 34 | Офатлар хавфини камайтириш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш. | 1. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Офатлар хавфини камайтириш бюроси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ушбу ташкилот томонидан ўтказиладиган халқаро тадбирларда иштирок этиш.<br>2. Қўшни давлатлар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, трансчегаравий хусусиятга эга бўлган юзага келиши мумкин бўлган табиий офатлар тўғрисида ахборот алмашиш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ, Тишқи ишлар вазирлиги |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Чегараолди ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари бўйича ҳамкорликдаги машқлар, ҳайъатлар ўтказиш.<br>4. Офатлар хавфини камайтириш соҳасида меморандумлар ва бошқа халқаро битимларни имзолаш.<br>5. Фавқулодда вазиятлар юз берганда халқаро ёрдамни ва биринчи навбатдаги қутқарув ишларини амалга оширишда бериладиган ёрдамни тартибга солишга доир халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва тартиб-таомиллардан тўлиқ фойдаланиш. | тегишли даврга тадбирлар режаларига мувофиқ | ФВВ,<br>Ташқи ишлар вазирлиги |
| 35 | Ушбу Миллий ҳаракатлар режасини босқичма-босқич амалга ошириш. | 1. Ушбу Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳни шакллантириш ва унинг таркибини тасдиқлаш.<br>2. 2019-2030 йиллар даврида “2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури” мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш стратегиясини тегишли даврда (босқичда) амалга оширишга доир Тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш.<br>3. Тегишли даврга (босқичга) мўлжалланган Тадбирлар режасини амалга ошириш якунлари тўғрисидаги батафсил ахборотни белгиланган мақсадларга эришиш даражасини кўрсатган ҳолда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш. | 2019 йил апрель<br><br>2019 йил май<br>2023 йил февраль<br>2027 йил февраль<br><br>2023 йил январь<br>2027 йил январь<br>2031йил январь | ФВВ,<br>вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, |